


«Ливерпуль» ҳужумчиси Садио Мане қандай аёлга уйланишини айтди



14:47 / 19.06.2022 2482

«Ливерпул» ҳужумчиси Садио Мане бўлажак рафиқасига қўйиладиган талаблар ҳақида гапирди. Мане ислом динига эътиқод қилади. Аввалроқ футболчи «Манчестер Юнайтед» ҳужумчиси Криштиану Роналдунинг турмуш тарзи ўзи учун номақбул эканлигини [айтганди](#).

- Кўпчилик мендан нега ҳалигача уйланмаганим ҳақида сўрашади. Мен ижтимоий тармоқда бўлмайдиган, Аллоҳга ишонган, ва намозни адо қиладиган аёлга уйланмоқчиман», — дея ижтимоий тармоқларда Мане сўзларини келтиради журналист Френк Холид.

«Ливерпул» футболчиси Садио Мане ўзининг камтарлиги билан ҳам машҳур. **Сенегаллик мусулмон футболчи** голларини доим сажда қилиш билан нишонлайди.

Бир марта Мане «Лестер»га қарши ўйинда гол урган куни маҳаллий масжидда ҳожатхонани тозалаётганини кўришган эди.